

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

УЛАШОВА СЕВИНЧ УЛАШ ҚИЗИ

**ХIII–ХV АСРЛАР ФОРСИЙ МАНБАЛАРИДА
МОВАРОУННАХРДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот
усуллари, 07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Улашова Севинч Улаш қизи XIII–XV асрлар форсий манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар.....	3–24
Улашова Севинч Улаш қизи Этнические процессы в Мавераннахре по персидским источникам XIII–XV вв.....	25-48
Ulashova Sevinch Ulash qizi Ethnic processes in Maverannahr in Persian sources of the XIII–XV centuries.....	49-51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	52-53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019. Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

УЛАШОВА СЕВИНЧ УЛАШ ҚИЗИ

**ХIII–ХV АСРЛАР ФОРСИЙ МАНБАЛАРИДА
МОВАРОУННАХРДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот
усуллари, 07.00.03 – Жаҳон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Таг522 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.beruniy.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупова Дилорам Юнусовна

тарих фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Асқаров Аҳмадали

тарих фанлари доктори, профессор, академик

Исҳоқов Мирсодик

тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019. Таг:44.01 Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 79-уй, тел.: (99871) 262-54-61, Факс: (99871) 262-52-77, e-mail: beruni1@uznet.net).

Диссертация билан Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 79-уй, тел.: (99871) 262- 54-61.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

Б.А. Абдуҳалимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори

Ф. Дж. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Э.З. Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида турли халқларнинг келиб чиқиши, шаклланиш жараёнлари, давлатчилик ва халқаро муносабатлардаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи илмий тадқиқотларни олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, бугунги кунга келиб жаҳон тарихида қудрати, давлатчилик тизимига эга империялар ва уларда яшаган халқлар тарихига қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса, Евросиё қитъасининг катта қисмини эгаллаган Чингизхон асос солган Мўғуллар империяси ҳамда Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихи жаҳон шарқшунослигининг энг асосий масалалари сифатида эътироф этилмоқда.

Дунёда Чингизийлар ва Темурийлар сулоласи тарихи минтақадаги туркий, форс-тожик, мўғул, турклашган мўғул каби халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тарихи, диний эътиқодлари, моддий ва маънавий маданияти бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, XIII–XV асрларда ҳукм сурган ушбу икки сулола давридаги этник жараёнлар масаласига бу даврдаги Мовароуннаҳрнинг туб аҳолиси, минтақага мўғуллар бошлиқ туркий, мўғул ва турклашган мўғул қабилаларининг кириб келиши (даври, салмоғи, қабилаларнинг этник мансубияти ва бошқ.), туркийлашиш жараёнларига сабаб бўлган омиллар, Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда этник ҳолат ва аҳоли миграциясига оид масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маданий-маърифий соҳада олиб борилаётган туб ислохотлар миллий тарихимизнинг асосларини янада чуқурроқ ва ҳолисона ўрганиш борасида ижобий ўзгаришлар учун имконият яратмоқда. Ўрта Осиёда яшовчи халқларни “минг йиллик қардошлик ва яхши кўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради...”¹. Зеро, минтақа аҳолисининг этник тарихини ўрганиш ва бу орқали Марказий Осиё халқларининг умумий тарихини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар тарихини комплекс ўрганиш бу даврдаги Марказий Осиё халқлари этник тарихининг бир қатор муаммоли масалаларига ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йилнинг 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. (10.11.2017 й.)

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг ИТД-1 “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIII–XV асрлар тарихига оид илмий тадқиқотлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, бу даврдаги этник жараёнлар тарихи нафақат Ўзбекистонда, балки хориж тадқиқотларида ҳам деярли ўрганилмаган. Мавзунинг айрим жиҳатлари Марказий Осиё халқлари тарихига оид шарқшунослик, лингвистик, археологик, антропологик ва этнографик тадқиқотларда тилга олинган, холос. Мазкур тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Россия империяси ва совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар; 2) Хориж олимлари амалга оширган тадқиқотлар; 3) Мустақиллик йилларида амалга оширилган маҳаллий тадқиқотлар. Мазкур масала ишнинг тарихшунослик қисмига бағишланган биринчи бобнинг иккинчи параграфида таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Шарқшунослик институтида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА – Ф1 – 027: “Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосида)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси дорасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнларни форсий ёзма манбалар асосида тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мавзунинг мавжуд илмий асарларда ёритилиш даражасини аниқлаш;

XIII–XV асрларга оид тарихий, географик, мемуар йўналишдаги 20 га яқин форсий манбаларни ўрганиш ва улардаги Мовароуннаҳр аҳолиси этник тарихига оид маълумотларни аниқлаш;

Мовароуннаҳр аҳолиси этник тарихининг XIII–XV асрларга оид ёзма манбалар ва тадқиқотларда акс этишини қиёсий таққослаш;

XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрда кечган этник жараёнларни сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқликда таҳлил этиш;

ёзма маълумотлар асосида Мовароуннаҳрга мўғуллар ҳукмронлиги даврида келиб ўрнашган уруғ-қабилаларнинг номи, миқдори, даври ва минтақадаги этник жараёнларга таъсирини таҳлил қилиш;

XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган ўтроқ ҳамда чорвадор этнослар тарихини форсий манбаларда ёритилишини аниқлаш;

ҳозиргача нашр этилган тадқиқотларда этник масалаларга оид ҳукм суриб келаётган айрим фикр-мулоҳазалар асосларини бирламчи манбалар асосида ўрганиш ва муносабат билдириш;

XIII–XV асрларда Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби, жойлашуви, туркий ва тожик этносларининг ҳолати ва бу борада номаълум қолган масалаларга ойдинлик киритиш;

диссертация юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ва бу борада яна ўрганилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мовароуннаҳрнинг XIII–XV асрлардаги этник тарихи олинди.

Тадқиқотнинг предметини XIII–XV асрларга оид форсий ёзма манбалардаги этник маълумотлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий тадқиқотнинг холислик ва тарихийлик тамойиллари ҳамда хронологик, тизимлилик, киёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIII–XV асрларда туркий этносларнинг нуфузи аввалги даврга қараганда янада ортгани ёзма маълумотлар асосида далилланиб, минтақада ўтроқ аҳоли билан бирга яшаб қолган *қарлуқ, яғмо, чигил, қангли, қипчоқ, халаж, ўғуз, қорахитой, кужат* каби халқларнинг худуди, салмоғи, етакчилари ва этник тарихига доир маълумотлар аниқланган;

Чингизий шаҳзода ва ҳукмдорларнинг ўзаро кураши туфайли Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Термиздан асир қилиб олиб кетилган аҳолининг (эллик мингдан ортиқ) Ғазна, Шибирғон, Фороб ва Балхга жойлаштирилгани далилланган;

Ўрта Осиёга келиб ўрнашган субэтносларнинг аксарияти туркий қавмлар экани (*жалойир, барлос, дуғлот* ва б.), мўғул қабила иттифоқи таркибида мўғуллашгани, Или водийсида қайтадан турклашиб, Мовароуннаҳрга кириб келганда туркий тилда сўзлашгани исботланган;

Чиғатойга бириктирилган турк-мўғул қабилаларига доир баҳсли маълумотларга аниқликлар киритилиб, улар мингликлардан иборат *барлос, жалойир, сулдуз, арлот* қабилалари ҳамда саккиз минг кишилик *найман* қўшини экани, бу даврда *қавчин* этноними бўлмагани манбалар асосида далилланган;

Амир Темур ва Темурийлар даврига оид ўнга яқин форсий манбалар асосида Мовароуннаҳр аҳолиси этник тарихига қўшимчалар киритилиб, ўттиздан ортиқ этнонимлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Тадқиқотда XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар тарихига оид 20 га яқин форсий манбалар ҳамда илмий тадқиқотлардаги этник маълумотлар жамланиб, яхлит маълумотлар базаси шакллантирилган;

XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрда этник жараёнлар акс этган форсий манбалардаги мавзуга оид 70 га яқин этнонимлар аниқланиб, 230 дан ортиқ

шахс номлари ҳамда тарихий жараёнларда учраган этнонимлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаган махсус жадвал яратилган;

Ўрта аср муаррихларининг асарларини ҳамда улардаги этник жараёнларга оид маълумотларни илмий жамоатчилик ва халқимизга етказиш борасида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган илмий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, 20 га яқин форсий, 10 дан ортиқ турли тиллардаги манбалар ва улар асосидаги илмий адабиётлардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундан Ўрта Осиё халқлари, хусусан, XIII–XV асрлар ўзбек халқи этник тарихига доир мавжуд тадқиқотларни янги маълумотлар билан тўлдиришда ҳамда “Тарихий манбашунослик”, “Этнология”, “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” каби фанлардан дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даври ҳамда ўзбек халқининг этник тарихини дунё ҳамжамияти ва халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш, мавжуд маълумотлар базасини кенгайтириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIII–XV асрлар Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби, минтақада кечган этник жараёнларни ёритиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар, аҳолининг этник таркиби, манбалардаги этник маълумотлар тадқиқига оид маълумотлардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканалда 2019 йил декабр-январ ойларида эфирга узатилган ноёб манбалар тадқиқига бағишланган “Тарихий савол” номли илмий-маърифий кўрсатувини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 24 сентябрдаги 4040/1500-сонли маълумотномаси). Мазкур маълумотлар кўрсатувни илмий далилларга бойитиш билан бирга Рашидиддин, Жувайний, Авфий, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби муаррихларнинг илмий меросини халқимизга етказишга хизмат қилган.

XIII–XV асрларга оид 20 га яқин форсий манбалар асосида тайёрланган Марказий Осиёда истиқомат қилган этнослар ҳамда шу давр минтақа этнонимлари билан боғлиқ шахс номлари рўйхати келтирилган жадваллар Ўзбекистон тарихи давлат музейининг экспозицияларини янгилашда ва шу орқали музейда ташкил этилган мўғуллар ва Темурийлар бўлими кўргазмаларини бойитишга амалий ёрдам кўрсатди (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 16 ноябрдаги 3/1255-3174–сонли маълумотномаси). Мазкур маълумотлар ўрта аср муаррихларининг асарлари ҳамда улар орқали Мовароуннахр аҳолисининг XIII–XV асрлардаги аҳоли, этнонимлар, уруғ-қабила етакчилари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари 8 та халқаро ва 10 дан ортиқ республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 1 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 135 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XIII–XV асрларда Мовароуннахрдаги этник масалаларга оид форсий манбалар ва тадқиқотлар”**ни ёритишга бағишланган. Бобнинг *“XIII–XV асрларга оид форсий тилли манбалар”* деб номланган биринчи параграфида Марказий Осиёдаги тарихий жараёнлар акс этган қатор форсий манбалар ва улардаги этник маълумотлар таҳлил қилинган.

XIII–XV асрларга оид тарихий асарлар орасида форсий тилли манбалар етакчилик қилади. Бу даврда тарихий ва адабий асарларни форсийда ёзиш анча ривожланган. Шу боис, бошқа тилда хусусан, араб тилида (Жамол Қаршийнинг *“Мулҳақот ас-суруҳ”* ва б.) битилган асарлар ҳам қисқа фурсатда форсийга ўгирилган. XV аср иккинчи ярми–XVI аср бошларидан туркий тилда тарихий асарлар ёзиш бирмунча кўпайганига қарамай, форсий тилли асарларнинг салмоғи баланд эди. Шу боис, тадқиқотда форсий тилли манбалар асос қилиб олинди. Этник маълумотларни тўлдириш ва тасдиқлашда кўшимча тарзда арабий, туркий, хитой, мўғул, арман тилли манбалардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотга жалб қилинган форсий манбаларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга – сўнгги Хоразмшоҳлар хукмронлигидан то Чигатой улусининг парчаланишигача бўлган даврни қамраб олган ўнга яқин манбалар (Фахриддин Муборакшоҳ, Саъдуддин Муҳаммад Авфий, Жувайний, Минҳожиддин Жузжоний, Рашидиддин, Вассоф, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Абул Қосим Қошоний ва б.) киради. Бу давр манбаларидаги этник маълумотларнинг кўлами турлича. Хусусан, Фахриддин Муборакшоҳнинг “Тарихи Муборакшоҳ” асарида минтақадаги этник жараёнларда иштирок этган қирққа яқин этнослар қаторида Мовароуннаҳр билан боғлиқ йигирмага яқин (*қарлуқ, чигил, халаж, ўғуз, тухси, кужат, қангли, яғмо, баёт* ва б.) уруғ-қабилалар, уларнинг жойлашган ўрни, хўжалиги ва маданиятига доир маълумотлар акс этган¹. Ундаги этносларнинг барчаси йирик қабила бўлмай, этник гуруҳлар ёки уруғ шаклидаги этнонимлар ҳам бирга тилга олинган.

Бу гуруҳ манбалари орасида Жувайний, Жузжоний, Рашидиддиннинг асарлари этник маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, улар даврий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой” асарида Марказий Осиёдаги XIII аср ўрталаригача бўлган этно-сиёсий жараёнлар, Чингизхон босқини йилларида Мовароуннаҳр аҳолиси, минтақага келиб ўрнашган этнослар тўғрисида аниқ далиллар мавжуд². Жузжонийнинг “Табакоти Носирий” асари даврий жиҳатдан Жувайнийники билан бир даврга тегишли бўлса-да, унда “Тарихи жаҳонкушой”да келтирилмаган маълумотлар ҳам кузатилади. Асарнинг Хоразмшоҳлар ва мўғуллар тарихига бағишланган 16 ва 23-бобларида *қарлуқ, қангли, халаж, жалойир, туркман, иғрак, қиёт, макрит, барлос, найман, қўнғирот, дўрмон, тозий, турк* каби этнонимлар тилга олиниб, мўғуллар истилоси туфайли Ўрта Осиё ва Афғонистондан асир қилиб олиб кетилган халқлар тўғрисида сўз боради³.

Марказий Осиё халқларининг XII аср охири-XIV аср бошларидаги этник тарихи кенг ёритилган манба Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-таворих” асаридир. Унда Чингизхоннинг турк-мўғул қабилаларини бирлаштириб, *керайит, ўйрот, найман, унгут, тангут, баҳрин, қарлуқ, татар* каби халқлар устига юриши, Мовароуннаҳрнинг қўлга киритилиши, этно-сиёсий аҳвол ўрин олган⁴. Аммо унда баъзи чалкашликлар мавжуд. Хусусан, XII аср охири-XIII аср бошларида Онон ва Керулен бўйларидаги қабилалар иттифоқи тўғрисидаги маълумотларда бир иттифокқа кирувчи қабилалар этник мансублигидан қатъий назар етакчи қабиланинг генезиси билан боғланиб, номланган. Натижада аслида туркий қабилаларнинг аксарияти мўғул қабиласи сифатида тилга олинган.

¹ Faxr ad-Din Mubârâkshâh. Ta'rix-i Fakhr'd-Din Mubârakshâh/ E.Denison Ross. – London, 1927. – P. 47-158.

² Alaaddin Ata Melik Cüvâini. Tarih-i Cihangüşa / Çev. M.Oztürk. I. – Ankara, 1988. – S. 103-285.

³ The Tabaqât-i Nâsirî of Minhaj-i-Saraj Abu 'Usman Minhâc al-Jurjanî. – London, 1873. – P. 868, 878, 882, 940, 950, 1287.

⁴ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. кн. 1. – 151 с.; Т. I. кн. 2 / Пер. с перс. О.И. Смирновой. – М.-Л., 1952. – 315 с.; Т. II / Пер. с перс. Ю.П. Верховского. – М.-Л., 1960. – 248 с.

Тадқиқот доирасидаги этник маълумотлар Авфий, Вассоф, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Абул Қосим Қошоний каби муаллифларнинг асарларида камроқ акс этган. Шу билан бирга улардаги баъзи этник маълумотлар бошқа тарихий асарларда учрамайди. Хусусан, Мунке қоон (1251-1259) давридан бошлаб чигатойлилар тарихи, мўғул хонлари ва шаҳзодаларининг кўчманчилик одатларига кўра, Самарқанд ва Бухорони яғмолаши, Мовароуннаҳрдан Хуросонга олиб чиқиб кетилган халқлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқ¹.

Иккинчи гуруҳ манбаларига – Амир Темур ва Темурийлар даврига оид ўндан ортиқ тарихий асарлар киради. Бу гуруҳ форсий манбаларининг барчаси ҳам Мовароуннаҳр этник манзарасини тўлиқ тиклаш имконини бермайди. Айрим манбаларда этник маълумотлар жуда кам. Жумладан, Ғиёсиддин Али Яздий асарида мавзуга алоқадор ўнга яқин этнонимлар қайд этилган², холос. Амир Темур тарихига оид манбалар орасида этник маълумотлар кенглиги жиҳатидан Низомиддин Шомий (йигирмага яқин этнонимлар)³, Шарафиддин Али Яздий (ўттиздан ортиқ этнонимлар)⁴ ва Муиниддин Натанзийнинг (йигирмага яқин этнонимлар) асарлари алоҳида ажралиб туради⁵. Темурийлар даври акс этган манбалардан эса Абдураззоқ Самарқандий ва Мирзо Ҳайдарнинг асарларида этник маълумотлар бирмунча кенгроқ ёритилган.

Иккинчи параграфда “*Мовароуннаҳрдаги этник масалаларга алоқадор асосий тадқиқотлар*” таҳлил қилинган. Мавзуга доир биринчи гуруҳга оид дастлабки тадқиқотлар Н.Я. Бичурин, П. Голубовский, Н.А. Аристов, В. Григорьев, В.В. Бартольд, И. Березин, В.Г. Тизенгаузенлар томонидан амалга оширилган. Уларда Чингизхон ва мўғуллар, шунингдек, Амир Темур даври, шахси, бу давр этнослари хусусидаги умумий маълумотлар акс этган. Булар орасида В.В. Бартольднинг асарлари салмоқлидир. Унда Мовароуннаҳрнинг этник ҳолати, мўғуллар даврида келиб ўрнашган уруғ-қабилалар, минтақада кечган этно-сиёсий жараёнлар акс этган⁶.

¹ Şeşen R. İslam coğrafyacılarına göre türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara, 2001. – S. 20; Kempiners R.G. Vassāfs Tajziyat al-amsār wa tazjiyat al-asār as a Source for the History of the Chaghadayid Khanate // JAH. XXII. – 1988. – P. 160-187; Волин С.Л. Хамдаллах Мустауфи Казвини и его сочинения // Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М.: Институт Востоковедения, 1939. – Т. 1. – С. 54-55; Абусейтова М.Х., Абылхожин Ж.Б ва б. История Казахстана и Центральной Азии. – Алматы, 2001. – С. 193.

² Ғийасиддин ‘Али. Дневник похода Тимура в Индию / Пер. с перс, предис. и примечания А.А. Семенова. – М., 1958. – С. 51, 96, 165 ва б.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома/ Форс тилидан ўғирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчи Ҳ. Караматов. Географик номлар изоҳи О. Бўриевники; Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и – (“Илова”)ни форсийдан ўғирувчи ва изоҳлар тузувчи О. Бўриев. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 21, 25, 26, 28, 43, 45, 57, 241, 253 ва б.

⁴ Шарафиддин Али Ўаздий. Зафарнома/ Сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 374.

⁵ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний / Форс тилидан Ғ. Каримов тарж. – Т., 2011. – Б. 29, 45, 50, 52, 254-255.

⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. – М., 1963; Ўша муал. Улугбек и его время. Соч. Т. II. Ч. 2. – М., 1964.; Ўша муал. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии; Карлуки; Дуғлат; Образование империи Чингиз-хана; История турецко-монгольских народов; Тюрки. Соч. Т. V. – М., 1968; Ўша муал. Джувеини, Ала ад-дин; Извлечение из сочинения Гардизи “Зайн ал-ахбар”. Соч. Т. VIII. – М., 1973. ва б.

Совет даври тадқиқотларига А.Ю. Якубовский, Б.Д. Грекова, И.П. Петрушевский, Б.А. Аҳмедов, С.А. Агаджанов, Д. Кара, Б.Г. Гафуров, Ш. Бира, Л.Л. Викторова, Д. Чулууны, З.М. Буниятов, Т. Ходжайов, А.Ш. Кадырбаев кабиларнинг асарларини киритиш мумкин. Буларда Мовароуннаҳр аҳолисининг этник тарихига доир айрим жиҳатлар (ўзбек халқи этногенезининг назарий асослари, Марказий Осиё халқларининг этник тарихи, мўғул кўчманчиларининг ижтимоий ҳаёти ва давлат бошқарувига доир маълумотлар ва б.) акс этса-да, XIII–XV асрларда Мовароуннаҳрдаги этник ҳолат тўла ёритилмаган. Шу билан бирга Марказий Осиёнинг бир гуруҳ олимлари хулосаларида (Б.Г. Гафуров, Н.Н. Негматов) бир халқни бошқасидан устун қўйиш ҳолатлари, қадимийлаштиришда ноҳолис қарашлар сезилиб туради¹.

Мавзуга доир айрим масалалар ўтган икки асрдан буён хориж олимларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Хусусан, Ф. Кўпрулу, М. Ишвари, З.В. Тўғон, И. Қофасўғли, Р. Шешен, И. Ака, М. Кафали, Г.Р. Азиз каби шарқ олимлари, шунингдек, Э. Оливер, Х.Д. Мартин, Д.М. Данлоп, Ж.А. Бойл, П.Д. Буэлл, П. Жэксон, Ю.Э. Брегель, Ж.Ж. Сондерс, Ж. Эйубин, П. Ратчневский, Т.Т. Оллсен, Ж.Э. Вудс, Б.Ф. Манз, Ж.П. Роукс, Д.О. Морган, П.Б. Голден каби ғарб тарихчиларининг тадқиқотларида XIII–XV асрларда Марказий Осиё, Чингизхон империясининг ташкил топиши, истилочилик ҳаракатлари, Мўғулистондаги этно-сиёсий ҳолат, турк-мўғул халқларининг тарихи, Амир Темур ва Темурийлар даври ва бошқалар ўрин олган. Минтақа тарихида Чиғатой улуси муҳим ўрин тутишига қарамай, мавжуд тадқиқотларда асосан, Жўжи, Ўқтой ва Тули мерос олган улуслар тарихи акс этган. Уларда Мовароуннаҳрда кечган этник жараёнлар хусусида кам ўринларда узук-юлуқ маълумотлар учрайди, холос.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларидан Чиғатой улуси тарихига қизиқиш ортиб, К. Казухиде, Л. Енгшенг, Р. Амитай, М. Бирани, И. Ланда, Г. Кушенова каби тадқиқотчилар улус тарихининг турли жиҳатлари, қисман этник масалаларга ҳам тўхталганлар².

¹ Негматов Н.Н. Государство Саманидов. – Душанбе, 1977. – 279 с.

² Kazuhide K. Kebek and Yasawur – The Establishment of the Chaghatai Khanate // Memoires of the Research Department of the Toyo Bunko. № 49. 1991. – P. 97-118; Yingsheng L. Xibei minzu shi yu Chahatai Hanguo shi yanjiu (History of the Northwestern Minorities and Studies in Chaghadaid History). – Nanjing, 1994; Ўша муал. Chahatai hanguo shi yanjiu (Studies on the Chaghataid khanate). – Shanghai, 2006; Kushenova G. Ögeday Kaan Devrinde Türkistan ve Maveraünnehir (1229-1241). – Ankara, 2006. – 130 s.; Amitay R., Biran M. Mongols, Turks and others. – Brill-Leiden-Boston, 2005; Biran M. Central Asia from the Conquest of Chinggis Khan to the Rise of Tamerlane: The Ögödeid and Chaghadaid Realms // The Cambridge History of Inner Asia. Vol. 2: The Chinggisid Age / Di Cosmo N., Golden P.B., Frank A (eds.). – Cambridge, 2009. – P. 46-66; Ўша муал. Qaidu and the Rise of the Independent Mongol State in Central Asia. – Richmond, Great Britain: Curzon Press, 1997. – x+198 p; Ўша муал. The Chaghadaids and Islam: The conversion of Tarmashirin khan (1331-1334) // Journal of the Oriental Society. – 2002. - № 122.4. – P. 742-752; Ўша муал. Central Asia from the conquest of Chinggis Khan to the rise of Tamerlane: The Ögödeid and Chaghadaid realms // Cambridge history of Inner Asia. Vol. 2. – Cambridge, 2009. – P. 46-66; Ўша муал. Rulers and City Life in Mongol Central Asia (1220-1370) // Turko-Mongol Rulers, Cities and City Life. – Brill-Leiden-Boston, 2013. – P. 257-283; Landa I. From Mongolia to Khwarazm: The Qonggirad Migrations in the Jochid Ulus (XIII-XV c.) // Revue des mondes musulmans et de la Mediterranee. № 143. 2018. ва б.

Учинчи гуруҳга кирувчи маҳаллий тадқиқотларга К. Шониёзов, О. Бўриев, Н. Тошев, А. Асқаров, Г. Ачилова кабиларнинг асосан мақолалар, илмий асарлардаги бўлимлар ва тадқиқотлардаги таҳлилий муносабатлар шаклидаги ишларини киритиш мумкин¹. Буларда мавзу қўлёзма асарлар, археологик ва антропологик материаллар асосида таҳлил қилинган. Аммо улар ҳам мавзуни тўла қамраб олмаган. Шунингдек, баъзи масалалар (Мовароуннаҳрга мўғуллар билан кириб келган кабилалар, уларнинг номи, даври, салмоғи ва б.) бўйича баҳсли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

“XIII–XIV асрларнинг биринчи ярмига оид форсий манбаларда Мовароуннаҳрдаги этник жараёнларнинг ёритилиши” номли иккинчи бобнинг биринчи параграфида *“Хоразмиҳоқлар даврида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолат”* таҳлил этилди. Бу давр этник тарихи Муборакшоҳ, Авфий, Жувайний, Вассоф, Жузжоний, Рашидиддин каби муаррихларнинг асарларида учрайди. Манбалардаги этник маълумотлар кўлами турлича – Муборакшоҳ йигирмага яқин, Авфий ўндан ортиқ, Жувайний ва Жузжоний йигирмага яқин, Рашидиддин йигирмадан ортиқ этнонимларни қайд этади².

XIII аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг асосини қадимдан шу ҳудудда яшаб келган ўтроқ туркийзабон ва форсийзабон аҳоли ташкил қилган. Шунингдек, ҳудудга доимий равишда кўчманчи халқлар ҳам келиб ўрнашган. Аммо улар маҳаллий аҳолига қараганда кам сонли бўлиб, тезда ўтроқлашган. Ўтроқ аҳоли Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида яшаб, деҳқончилик, савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Туркийзабон аҳолининг бир қисми кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирган. Чорвадор ва ўтроқ аҳоли доимо бир-бири билан иқтисодий, маданий ва этник алоқада бўлиб келган.

Мўғуллар босқинидан кейин Мовароуннаҳрда туркийлашиш янада кучайди. Бунга Мовароуннаҳрдаги *тожик*ларнинг бир қисмини Шарқий Туркистон ва шимолий Хитойга кўчирилиши ва минтақага кўплаб турк-мўғул кабилаларининг кўчиб келиши сабаб бўлди³. Натижада,

¹ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. – Т., 1974; Ўша муал. Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV–XVII вв. // МЭИНСА. – Т., 1986. – С. 83-93; Ўша муал. Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби // Шарқшунослик. № 7. – Т., 1996. – Б. 143-153; Ўша муал. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001; Амир Темур ажодлари (Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан терма таржималар) / Форс тилидан терма таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев. – Т., 1992; Бўриев О. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон муносабатлари // Шарқшунослик (Алманах). – Т., 1996. № 7. – Б. 37-44.; Ўша муал. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т., 1996; Ўша муал. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар // “ЎзМУ хабарлари”. Махсус сон. – Т., 2013. – Б. 38-41.; Ўша муал. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Т., 2017; Тошев Н. Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгўшо” асари Марказий Осиёнинг XII–XIII асрлар тарихига оид муҳим манба. Тарих фан. номз. дисс. – Т., 2007; Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., 2015; Ачилова Г. Мовароуннаҳрнинг Чигатой улуси таркибидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти (1227-1370 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. – Т., 2019.

² Faxr ad-Din Mubârâkshâh. Ta’rix-i Fakhr’-d-Din Mubârâkshâh. – P. 47-158.; Şeşen R. İslam coğrafyacılarına göre türkler ve türk ülkeleri. – Ankara, 2001. – S. 91-96.; Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa. – S. 294-304; The Tabaqât-i Nāsiri. – P. 231-285; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. кн. 1. – 151 с.; Т. I. кн. 2 / Пер. с перс. О.И. Смирновой. – М.-Л., 1952. – 315 с.; Т. II / Пер. с перс. Ю.П. Верховского. – М.-Л., 1960. – 248 с.

³ Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. – İstanbul, 1981 – S. 82.

Мовароуннахрнинг марказий шаҳарларидаги *форсийзабон* аҳоли сезиларли даражада камайди.

XIII асрда Мовароуннахрда *арабларнинг* ўнлаб уруғ-қабилалари ҳам яшаган. Улар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўз тилини унутган аммо, этник мансубликларини сақлаб қолганлар¹.

Бу даврда Мовароуннахрда ўнлаб кўчманчи ва ярим кўчманчи этнослар ҳам истиқомат қилган. Форсий манбаларда *қарлуқ, яғмо, қангли, қипчоқ, халаж, турк, чигил, кужат, играк, тугўз ўғуз, баёт, ўғуз, қорахитой* каби этнонимлар тилга олинган. Жумладан, бу давр йирик этносларидан бири – *қарлуқлар* Фарғона, Шош ва унга қўшни ҳудудларда яшаган². Марвазийга кўра, *қарлуқлар* 9 гуруҳга бўлинган: 3 та *чигил*, 3 та *аскали*, бири *булак*, бири *гугержин* ва яна бири *тухси*³. XIII асрнинг биринчи ярмига қадар Арслонхон бошлиқ *қарлуқлар* Ўзганд ва Фарғонани бошқарган. Улар мўғулларга хизмат қилиб, империядаги турли лавозимларни эгаллаган⁴.

Манбаларда кўп эслатилган этнослардан – *қанглилар* Зарафшон водийси, Сирдарёнинг қуйи оқимлари ва Хоразмда яшаган. Мўғулларгача *қанглилардан* тузилган ҳарбий бўлинма Самарқандда 30 минг, Хоразмда 90 минг кишини ташкил қилган⁵. Бухоро ва Самарқанд забот этилгач, 60 мингдан зиёд *қанглилар* қатл этилиб, болалар ва аёллар кул қилинган⁶. Юқоридаги маълумотлар *қанглиларнинг* мўғулларгача Мовароуннахрда кўп сонли аҳоли бўлганидан дарак беради.

“XIII–XIV асрларнинг биринчи ярмида Мовароуннахрдаги этно-сиёсий вазият” деб номланган иккинчи параграфда XIII аср бошларида Ўрта Осиёда юзага келган сиёсий аҳвол ва унинг минтақа халқларининг этник тарихидаги ўрни ёритилган. Маълумки, XIII аср бошларида Марказий Осиёда кескин сиёсий вазият ҳукм сураб, Мовароуннахр бир неча қисмларга бўлиниб, бошқарилаётган эди. Самарқанд ва Фарғонани Қорахонийлар, Бухорони Бурхонийлар идора қилса-да⁷, улар *қорахитойларга* ўлпон тўлаб турган⁸. Мовароуннахрнинг катта қисми ва Хоразмда ўғузларнинг *бекдили* уруғидан⁹ Ануштегин – Хоразмшоҳлар сулоласи (1097-1231) ҳукмронлик

¹ История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева. – Т., 1987. – С. 383-439.; Ражабов Р. Ўзбекистон араблари: VII аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида (тарихий-этнографик тадқиқот). – Т., 2011. – Б. 53.

² Mes'ûdî. Murûc el-zeheb / Barbier de Meynard. – Paris, 1861-1874. С. 1. – S. 289; Şeşen R. İslam coğrafyasılarına göre türkler. – S. 44; Бартольд В.В. Карлуки. Соч. Т. V. – М., 1968. – С. 548.

³ Şeşen R. İslam coğrafyasılarına göre türkler. – S. 19. Авфийда Марвазийдан фарқли жиҳатлар мавжуд: 3 та *чигил*, 3 та *хаскали, бевавий, қавакиний, кимак* (Şeşen R. İslam coğrafyasılarına göre türkler. – S. 93.).

⁴ Рашид ад-Дин Фазлаллаҳ. Джамии ат-таварих Т. I. Ч. 1. / А.Ализада. Т. I. – М.: Наука, 1968. – С. 249-351; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Ч. 2. – С. 163.

⁵ Ўша асар. – С. 214-218.

⁶ Juvaini 'Ala'-ad-Din 'Ata-Malik. The History of the World Conqueror / Transl. from the text of Mirza Muhammad Qazvini by J.A. Boyle. – Cambridge, 1958. – P. 83, 95. Жувайний *қанглиларни* “*қипчоқ* халқининг бир қисми” деб атайди. Уларнинг Дашти Қипчоқдаги қисми XI–XIII асрларда *қипчоқлар* таркибига кирган.

⁷ Pritsak O. Al-i Burhan // DI. – 1952. № 30/1. – P. 81-96.; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. – М., 1963. – С. 389-390, 418-420.

⁸ Buell P.D. Sino-Khitani Administration in Mongol Bukhara // JAH. – 1979. – № 13/2. – P. 121-151.

⁹ Фазлаллаҳ Рашид ад-Дин. Огуз-наме / Пер. с перс. Р.М. Шукюровой. – Баку, 1987. – С. 67.

килаётган эди¹. Хоразмшоҳ Такаш (1172-1200) ва халифалик ўртасида бошланган ихтилоф Хоразмшоҳ Муҳаммад даврида (1200-1220) янада кескинлашди². Хоразмшоҳ халифага қарши курашда мамлакатдаги руҳонийларга ҳам, юқори амалларни эгаллаган қипчоқларга ҳам суяна олмасди³. Хоразмшоҳнинг халифалик билан олиб борган самарасиз кураши ва шайх Маждиддин Бағдодийнинг қатл қилиниши⁴ – давлатни ички ва ташқи жиҳатдан бир қадар кучсизлантирди.

Хоразмшоҳ Мовароуннахрни тўла назоратга олиш мақсадида қорахитойлар билан курашиб, уларни мағлуб қилди⁵. Қорахитойлар давлати парчалангач, ўрнида Кучлукхон бошлиқ найманлар янги давлат барпо қилади. Унинг Шарқий Туркистонга юриши қипчоқ, қарлуқ, қорахитой етакчиларининг ёрдам сўраб Чингизхонга мурожаат қилишига сабаб бўлди⁶. Бу Чингизхон учун кутилган фурсат бўлиб, “Ўтрор воқеаси” жараёни тезлаштирди. Натижада Хоразмшоҳ урушнинг асосий айбдорига айланади⁷. Тўрт гуруҳга бўлинган мўғул кўшини 1220 йилда Мовароуннахрни, 1221 йилда Хуросонни қўлга киритди⁸.

Мўғуллар босқини натижасида шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб, деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти издан чиқди. Манбаларда Бухоронинг кулга айланрилиши ва Самарқанднинг яксон этилишига доир маълумотлар келтирилади⁹. 1221-1222 йилларда Самарқандда бўлган хитойлик роҳиб Чан Чуннинг ёзишича, урушгача бу ерда 100 минг оила яшаган. Урушдан сўнг эса аҳолининг тўртдан бир қисми қолган¹⁰. 1247 йилда Самарқандда бўлган арман сайёҳи Сибат Спарпет бу ерда одамлар

¹ Академик З.М. Буниятов. Избранные сочинения. Т. 3. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов 1097-1231 гг. – Баку: Элм, 1999. – С. 12.

² Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т- та’рих. Полный свод истории/ Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. – Т., 2006. – С. 273-287.; Джамал ал-Карши. Мулхакат ас-Сурах/ Перевод с арабского и примечания А. Саидова. – Душанбе, 2006. – С. 38-40.

³ Такаш Туркон Хотунга (баёт уруғидан) уйлангач, Мовароуннахрга қипчоқлар билан уроний, узрак, қарлуқ, халаж каби этник гуруҳлар кириб келган ва улар давлатнинг барча юқори амаллари ва харбий лавозимларини эгаллаган эди (Академик З.М. Буниятов. Избранные сочинения. – С. 68.; Kafesoğlu İ. Harezmsahlr devleti tarihi. – Ankara, 1956. – S. 73-147.). Хоразмшоҳ кўшинида Туркон хотун қавмидан 50-60 минг киши бўлган (Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 31.).

⁴ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. – С. 341; The Ta’rich-i-Jahan-gusha of ‘Ala’u ’d-Din ‘Ata Malik-i-Juwayni / Ed. by Mirza Muhammad ibn ‘Abdu’l-Wahhab-i-Qazwini. Pt. II, containing the history of Khawarazmshah dynasty. – Leyden-London: Brill, Luzac, 1916. – P. 96, 121.

⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. – С. 333-335.; Ан-Насави Шихаб ад-Дин Мухаммад. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны / Изд. критич. текста, пер. с араб., предисл. З.М. Буниятов. – М.: Вост. лит., 1996. – С. 60-61.

⁶ Çakmak M.A. Moğol istilası ve Harezmsahlr imparatorluğu’nun yıkılışı // Türkler. С. IV. – Ankara, 2002. – S. 904-916.

⁷ Ан-Насави. Жизнеописание. – С. 77-82.

⁸ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. – С. 358-365.; Джамал ал-Карши. Мулхакат ас-Сурах. – С. 43.

⁹ Juvaini ‘Ala’-ad-Din ‘Ata-Malik. The History of the World Conqueror / Transl. from the text of Mirza Muhammad Qazwini by J.A.Boyle; With a new introduction and bibliography by David O. Morgan. – Manchester: Manchester University Press, 1997. – P. 82, 90-96.; Путешествия Ибн Баттуты (Арабский мир и Центральная Азия) / Пер. с араб., введ., историко-лингв. коммент. Н. Ибрагимова и Т. Мухтарова. – Т., 1996. – С. 278.

¹⁰ Описание путешествия даосского монаха Чан Чуна на Запад // Труды членов Российской духовной миссии в Пекине. Т. IV. – Спб., 1866. – С. 311; Eberhard W. Türkistan Seyahatnamesi // Belleten. VIII/29. – 1944. – S. 137-142.

суягидан иборат тепаликларни кўрганини ёзади¹. Урганч ҳам сувга бостирилиб, аҳолисининг бир қисми қириб юборилган, бошқа бир қисми Мўғулистонга олиб кетилган². 1221 йил Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Ҳирот босиб олиниб, уларнинг қарийб бутун аҳолиси йўқ қилинган³. Юқоридаги фожеалар минтақа аҳолисининг этник ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиб, деярли ярим аср мобайнида аввалги ҳолатини тиклай олмайди.

1224 йил Чингизхон мамлакатни улусларга тақсимлаганда Чигатойга – Қошғар, Етгисув ва Мовароуннаҳр тегади⁴. Мўғуллар давлат бошқарув анъаналарига тўла эга бўлмагани учун улусларда қоон белгилаган ва бевосита унга бўйсунувчи маҳаллий ноиблар тайинланди. Чигатой улусига дастлаб Махмуд Ялавоч (1227-1239), ундан сўнг ўғиллари ва набиралари XIV асрнинг бошларига қадар ноиблик қилди⁵.

Бу даврда минтақа аҳолисининг мажбурий миграцияси мўғул шаҳзодалари ва ноиблари томонидан давом эттирилди. Жумладан, 1273 ва 1276 йилларда Хулагу ва баъзи Чигатой шаҳзодалари Бухорони талаб, маълум аҳолисини асир олади. Шаҳзода Ясавур ва Хуросон амирлари, кейинчалик яна бир Чигатой шаҳзодаси Мисур Самарқанд, Бухоро, Термиз ва Кешдан 50 мингдан ортиқ кишини асир олиб, Ғазна, Шибирғон ва Фаробга жойлаштиради. 1315 йил Кебекхон Мисур кўчирган юқоридаги аҳолини Балх ва унинг атрофларига кўчиради⁶. Мовароуннаҳр аҳолисининг минтақадан асир қилиб олиб чиқилиши бошқа мўғул улуслари ҳукмдорлари томонидан ҳам амалга оширилади. XIV аср бошларида Жўжи шаҳзодаси Бобо Ўғул Ўзбекхон билан урушиб, Хоразмдан эллик мингга яқин аҳолини асир олиб, Хуросонга келтиради⁷. Мўғулларнинг бу каби миграцияси аҳолининг сон жиҳатидан янада камайишига олиб келади.

Учинчи параграфда *“Мовароуннаҳрга кўчиб келган уруғ-қабилалар ва уларнинг минтақадаги этник жараёнларга таъсири”* таҳлил қилинган. Тадқиқотларда Мовароуннаҳр ва унга қўшни ҳудудларга мўғуллар бошлиқ этносларнинг кўчирилиш даври бўйича икки хил қараш мавжуд (1. XIII аср биринчи чораги; 2. XIII аср 60-йиллари)⁸. Манбаларга кўра, Чингизхон мамлакатни улусларга тақсимлаганда (1224 й.) тўртта қабилани мингбошилари билан Чигатой улусига юборади. Улар улуснинг асосий ҳарбий таянчи эди. XIII аср ўрталаридан Или водийсида хонзодалар

¹ Армянские источники о монголах. Извлечения из рукописей XIII-XIV вв. / Пер. с древнеармян., предисл. и прим. А.Г. Галстяна. – М., 1962. – С. 65.

² Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. – С. 364-365; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо/ Бойл-Морган. – Р. 96-101.; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. / Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норкулов ва М. Ҳасанийлар тарж. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 164-167.

³ Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa. / Çev. M.Oztürk. – Ankara, 1988. – S. 174-283.

⁴ The Ta’rich-i-Jahan-gusha of ‘Ala’u ’d-Din ‘Ata Malik-i-Juwayni / Ed. by Mirza Muhammad ibn ‘Abdu’l-Wahhab-i-Qazwini. Pt. I, containing the history of Chingiz Khan and his successors. – Leyden-London: Brill, 1912. – P. 31.

⁵ Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa. – S. 165.; Джамал ал-Карши. Мулҳакат ас-Сурах. – С. 53-56.

⁶ Аҳмедов Б.А. История Балха. – Т., 1982. – С. 22.

⁷ Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. – S. 315-316.

⁸ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Б. 385-386; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б. 452.

ўртасида муттасил тахт учун курашлар бошланади (иккинчи қарашда XIII аср 60-йилларида Чигатой улуси ҳокимият талашишлар натижасида кучсизлангани сабаб қилиб кўрсатилади). Бу воқеалар Мовароуннаҳрга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, Чигатойлилардан ташқари Жўжи шахзодалари ҳам Самарқанд, Бухоро, Термизга хужум қилади ва маълум аҳолисини асир олади. Улус худудини химоя қилиш учун Чигатойга ажратилган қабилаларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга жойлаштирилади. Рашидиддинга кўра, Чигатой хони Бароқхон (1266-1271) ва ворислари даврида *жалойир*лар сон жиҳатидан анча ортиб, 3-4 минглик махсус отлик бўлинмани ташкил қилган¹. Кўриниб турибдики, XIII аср биринчи чорагида улусга бир нечта қабилаларнинг 1-тўлқини келиб жойлашган. XIII асрнинг 60-йилларига келиб уларнинг нуфузи 3-4 баробарга ортган.

Манбалар ва тадқиқотларда Чигатойга бириктирилган қабилалар ва мингбошилар хусусидаги маълумотлар ҳам турлича. Мўғул тилидаги “Мангол-ун Ниуча Тобчиан (“Мўғулларнинг махфий тарихи”)”да ёзилишича, Чигатойга Харачар (Қорачор), Мунгге, Идохудой, Кокочос исмли мингбошилар берилган. Улар орасидан Чигатойнинг мушавири (котиби) Кокочос *барин*, Харачар *барлос*, Мунгге *жалойир* бўлиб, Идохудойнинг қабиласи номи келтирилмаган². Рашидиддин тўрт мингбошидан фақатгина Барулатай ва Қорачор *барлос*, Мунгге нўён *жалойир* номини тилга олган³. “Муизз ал-ансоб”да Қорачор (*барлос*), Муге (*жалойир*), Қишилиқ (*сулдуз*), кичик Чигатой (*сунит*) ва Кошук (ёки Косу) нўённинг номи қайд этилган⁴. Чигатой улусида *сунит* қабиласининг бўлгани бошқа манбаларда учрамайди. Шунга кўра, 4-минглик *арлот*лар бўлган дейишга асосимиз бор⁵. Чунки *арлот*лар бу даврдаги асосий этнослардан эди. Бундан ташқари Чигатойга *найман*лардан иборат саккиз минг кишилиқ кўшин ҳам ажратилган⁶. Кўчиб келганлар ўзлари билан оиласи ва қабиладошларини ҳам Чигатой улусига кўчирган. Турк-мўғул қабилаларнинг улусга кириб келиши кейинчалик ҳам давом этган.

Рашидиддин *жалойир*ларни XII асрда Онон ва Керулен дарёлари ҳавзаларидаги мўғул иттифоқи таркибидаги *турк* қабиласи сифатида тилга олган⁷. Улар ҳар бири минг оиладан иборат етмиш урукқа бўлинган⁸. Абулғозий *жалойир*лар мўғулларнинг *дарлагин* элига тақалувчи *нукуз*лар авлоди⁹, дейди. Аксар тадқиқотларда улар *мўғул* тилли халқ сифатида

¹ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. II. – С. 99.

² Mogollarin Gizli tarihi. –Ankara, 1986. – S. 152, 162.

³ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Ч. 2. – С. 275.

⁴ Му‘изз ал-ансoб (прославляющее генеалогии) // История Казахстана в персидских источниках. Т. III. Отв. ред. А.К. Муминов. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006. – С. 47.

⁵ Қаранг: Mogollarin Gizli tarihi. – S. 162-163; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. II. – С. 94.

⁶ Mogollarin Gizli Tarihi. – S. 162.

⁷ Рашид ад-Дин Фазлаллoх. Джoми ат-таварих / А.Ализада. Т. I. – С. 129-149.

⁸ Бўриев О. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар // ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013. – Б. 39.

⁹ Абулғозий. Шажарайи турк. – Б. 43.

ифодаланса¹, С.А. Аманжўлов Рашидиддинга таяниб, *жалоийрларнинг* асосий негизи *турклар* экани ва улар таркибида *қуриқин, тулангит, тури* этнонимлари мавжудлигини таъкидлайди². Манбага асослансак, *жалоийрлар* аслида мўғул иттифоқида кирувчи *турк* қабиласи бўлиб, мўғуллар таъсирида тил жиҳатидан мўғуллашган. Или водийсига кўчиб ўтгач, қайтадан турклашганлар. Буни шу даврдаги шахс исмлари ҳам исботлайди³.

Мовароуннаҳрдаги *жалоийрлар* Ангрен ҳавзаси ва Хўжанд атрофига жойлашган ва уларга Есун нўённинг ўғли Мука (Мунгге) бошчилик қилган⁴.

Қавчин муҳофиз қўшини ҳам мўғул ҳукмдорлари билан улусга кириб келган. Улар Чингизхон империя ташкил этгач, турли қабилалардан жамланган кўриқловчи гуруҳ эди⁵. *Қавчинлар* дастлаб Чиғатой ҳукмдорлари билан бирга Или водийсида ўрнашган. Чиғатойлилар Мовароуннаҳр ичкарасига силжигани сари *қавчинлар* ҳам мамлакат ичкарасига кириб жойлашган. Мовароуннаҳрдаги *қавчинлар* дастлаб Фарғона водийси ва Ғузор атрофларида ўрнашган. Улар мўғуллар давлатида ҳарбий салоҳияти билан ажралиб турган. Манбалар ва тадқиқотларда уларнинг генезиси ва улус ҳудудига жойлашиши хусусида баҳсли маълумотлар мавжуд⁶. Жумладан, “Зафарнома” муқаддимасига кўра, Чингизхоннинг катта хотини Барта *қавчинларга* мансуб бўлган⁷. Аммо “Мангол-ун ниуча тобчиан”, “Тарихи жаҳонкушой” ва “Жомеъ ат-таворих”да Борте фужин *унггират* [Unggirat] қабиласидан Дай сеченнинг қизи экани айтилади⁸. Рашидиддин исм билан бирга келган фужин, ужин, кучин каби қўшимчалар бу даврдаги олиймақом турк-мўғул аёллари исмига қўшилган хитойча сўз бўлиб, туркий “хотун” атамаси билан айнан, дейди. Хусусан, Чингизхоннинг онаси “Мангол-ун ниуча тобчиан”да Ҳоэлун-ужин, Жувайнийда Есужин, Рашидиддинда Оэлун-фужин шаклларида учрайди⁹.

Бу давр манбаларида *қавчин* этноними тилга олинмаган. Фақатгина “Мангол-ун ниуча тобчиан”да муҳофиз қўшини – ҳарбий гвардия уюшмаси экани, “Тарихи Рашидий”да мўғулча ҳарбий гвардия “*қавчин*” дейилгани

¹ Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т. V. – М., 1968. – С.173; Golden P.V. Türk halkları tarihine giriş. / Çev. O. Karatay. – Ankara, 2002. – S. 256-257.

² Амонжолов С.А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. – Алма-Ата, 1959. – С. 43-45.

Туленгий, теле (теленгит) атамаси қадимги туркий қабил аиттифоқининг номи бўлиб, IV-V асрларда 11 қабилани бирлаштирган йирик этник уюшма ҳисобланган (Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 385.).

³ Мўғул хони Кейхатунинг *жалоийр* хотинидан туғилган фарзандларининг исмлари эл-Кутлуғ, аз-Кутлуғ экани ҳам уларни турклигини кўрсатади (Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. – S. 271-272.)

⁴Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. II. – С. 94.

⁵ Mogollarin Gizli Tarihi – S. 21, 161-162, 199-202.

⁶ Қаранг: Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 384.; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б. 452. Хоразмшоҳлар ва мўғуллар даврига оид бирор манбада *қавчин* этноними қайд этилмаган. Бу ном Амир Темур ва Темурийлар даврида яратилган манбаларда илк бор этноним сифатида учрайди.

⁷Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Б. 96.

⁸Mogollarin Gizli Tarihi – S. 21.; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Ч. 2. – С. 68.; Ўша асар. Т. II. – С. 8.; Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa. – S. 284.

⁹Mogollarin Gizli Tarihi – S. 17.; Alaaddin Ata Melik Cüvaini. Tarih-i Cihangüşa. – S. 107.; Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I. Ч. 2. – С. 51.

хамда кўплаб Темурийлар манбаларида *қавчинлар* мўғул хонлари ва Темурий ҳукмдорларнинг ҳазорайи хоссаси экани¹ улар мўғуллар даврида қабила бўлмай, турли қабилалардан ташкил топган муҳофиз қўшини эди, деган фикримизга асос бўлади. *Қавчинлар* кейинчалик XIV аср ўрталаридан ҳарбийлашган йирик қабилага айланади.

Мовароуннаҳрга бундан ташқари *олчин, дуғлот, ўйрот, баҳрин, сулдуз, маркит, қўнғирот* каби ўнлаб уруғ-қабилалар ҳам кириб келган². Дувахон даврида (1281-1307) Мовароуннаҳрда ўрнашган этнослар салмоғи икки баробарга ортган³. Шунингдек, минтақада жойлашган *барлос, жалойир, арлот, сулдуз* қабилалари сони 2-3 туманга қадар кўпайган⁴.

